

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРКМЕНОВ ФАРРУХ НУРИТДИНОВИЧ**

**ТАЛАБАЛАРНИ СПОРТ БАЙРАМЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА**  
**ЎТКАЗИШ ВОСИТАСИДА АХЛҲОҚИЙ-ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШ**  
**ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Туркменов Фаррух Нуритдинович**

Талабаларни спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш воситасида  
ахлоқий-эстетик тарбиялаш технологиялари ..... 3

**Туркменов Фаррух Нуритдинович**

Технологии этико-эстетического воспитания студентов при организации и  
проведении спортивных праздников..... 21

**Turkmenov Farrux Nuritdinovich**

Technologies of ethical and aesthetic education of students in organizing and  
conducting sports festivals ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 45

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРКМЕНОВ ФАРРУХ НУРИТДИНОВИЧ**

**ТАЛАБАЛАРНИ СПОРТ БАЙРАМЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА**  
**ЎТКАЗИШ ВОСИТАСИДА АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШ**  
**ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Ped1370 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Олимов Ширинбой Шарофович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Маъмуров Баходир Бахшуллоевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Бозорова Муслима Қодировна**  
педагогика фанлари номзоди доцент

**Етакчи ташкилот:** **Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 рақамли илмий кенгашнинг 20 21 йил «16» 11 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865221-29-14; факс: (+99865221-29-14, email: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz)).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 10.24 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865221-29-14).

Диссертация автореферати 20 21 йил «03» 11 куни тарқатилди.  
(20 21 йил «03» 11 даги 10 -рақамли реестр баённомаси).



**С.Қ. Қаҳҳоров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, п.ф.д., профессор

**М.Ф. Атоева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошиги, фалсафа доктори (PhD), доцент

**Х.О. Жўраев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д.,  
(DSc) доцент



## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда жисмоний маданият ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг стратегик ди фуқароларни соғлом турмуш тарзига йўналтирадиган шарт-лар яратиш, ёшларни спортга жалб этиш орқали уларни соғлом ш тарзига одатлантириш, маънавий-ахлоқий тарбиялаш, жисмоний маданият ва спорт инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда дунё бўйича спортнинг рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Ҳозирги кунда кўплаб мамлакатлар ўз саъй-ҳаракатларини болалар ва ёшларнинг жисмоний, ақлий, маънавий-ахлоқий такомиллашуви муаммосини ҳал этишга қаратмоқда.

Халқаро тадқиқотларда олиб борилаётган туб ўзгаришлар жисмоний маданият соҳасидаги таълим мазмунини янгилаш ва чуқурлаштириш, биринчи навбатда, жисмоний тарбияни ўқитишдаги замонавий тизимларнинг энг муҳим глобал ижтимоий-маданий йўналишлари ҳамда дунё ҳамжамиятининг бош кадрияти сифатида олдинга сурилиши ҳисобланади. Унинг ижтимоий-маданий моҳияти, бир томондан, таълим жараёнидаги ижтимоий аҳамиятга молик мазмун билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, талабанинг ўқув жараёни субъекти ва маданият ташувчиси сифатидаги тажрибаси билан белгиланади. Фақат шу ҳолатдагина шахс жисмоний маданият соҳасидаги таълимни ўз турмуш тарзининг таркибий қисми сифатида қабул қилади, шаклланиши ҳамда шахсий ўсиш мақсадларига бўйсундира олади. Шу билан бирга, таълим шахс ақлий фаолиятида муҳим омилга, унинг маънавий-ахлоқий мавжудлигининг шаклига айланади.

Юртимизда олиб борилаётган ислохотларни изчил бажаришда ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантириш, соғлом турмуш тарзига интилиш, ёшларнинг спортга меҳр-муҳаббатини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшлар жамиятнинг энг ҳаракатчан тоифасидир, агар уларда жисмоний маданият ва спорт фаолиятига қизиқиш шаклланган бўлса ва у ижобий ўзгаришларга сабаб бўлса, жисмоний машқларнинг шахсий ривожланишга таъсири ҳақида гапиришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”<sup>1</sup> каби устувор вазифалар белгиланиб, бугунги кунда талабаларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш асосида шакллантиришга хизмат қилади.

Ҳозирда республикамызда миллий спорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири “Ўзбекистоннинг миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш ҳамда оммалаштириш учун шарт-шароитлар яратиш” ҳисобланади. 2016 йил

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон 70-модда; 20-сон, 354-модда; 23-сон, 448-модда.

12 августда қабул қилинган – Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони, 2020 йил 3 ноябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4877-сонли, 2017 йил 2 октябрдаги ПҚ-330-сон “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 ноябрдаги “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги 893-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республика Президенти раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи – ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган устувор йўналиши ушбу тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилади. Ахлоқий-эстетик тарбия, ақлий камолот фазилатларини шакллантиришга қаратилган масалалар мамлакатимиз файласуф олимлари Т.Махмудов, М.Нурматова, Б.Очилова, Г.Тилабова, Б.Ҳусанов, С.Шермуҳаммедов, Э.Юсупов, М.Қаҳҳорова, О.Ғайбуллаевлар, педагог олимлар С.Нишонова, М.Қуронов, С.Ғайзулина, О.Мусурмонова, Д.Рўзиева, Ш.Т.Халилова, С.К.Аннамуратова, Ш.Ш.Олимов, Ф.Норбоева, З.Д.Ҳасановлар томонидан тадқиқ этилган.

Узлуксиз таълим тизимида ўсиб улғаяётган ёш авлоднинг жисмоний тарбияси масалалари Я.М.Абдуллаев, М.С.Ахматов, А.Шакировлар томонидан очиқ берилган. З.А. Абдуллаева, Р. Абдумаликов, А.К.Акрамов, Х.А.Ботиров, Ж.Т.Тошпўлатовларнинг ишлари Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни шакллантириш ва ривожлантириш тарихига бағишланган.

Ёшларни спортнинг кураш тури билан таништиришнинг тарихий-маданий ва педагогик асослари Ф.А.Керимов, А.А.Рўзиев, К.Т.Юсуповларнинг мақолалари ва методик тавсияларида тадқиқ этилган. Республика таълим муассасаларидаги жисмоний тарбия – спорт фаолиятининг замонавий асослари – ёшларни соғломлаштириш, Ўзбекистон касб-хунар коллежлари ва лицейлари ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлиги даражаси бўйича махсус “Алпомиш” ва “Барчиной” тестларини жорий этиш, мактаб ўқувчилари ва талабаларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия бўйича машғулотларда валеология, ўйинга

оид методларни ўрганиш И.А.Кўшбахтиев, А.А.Маматкулов, А.К.Ҳамроқулов, Т.Т.Юнусов, А.К.Акрамов, К.С.Ҳайдаров, С.И.Қосимбекова, А.Шакиров, Т.С.Усмонхўжаев, С.Г. Арзуманов, Б.А.Қодиров, Х.А. Мелиевлар ишларида ўз аксини топди.

Жисмоний тарбия педагогикаси И.А. Кўшбахтиев, Ф.А.Керимов, С.П.Евсеев, Ю.Д.Железняк, В.М.Минбулатов, Ю.Ф.Курамшин, А.М.Максименко, Л. П.Матвеев, В.П.Копаяев, Э.Б.Кайнова, В.Г.Кузьмина, Е.А.Калюжный, Е.В.Крылов, Э.Я.Степаненкова, М.Я.Виленский, Г.Д.Харабуга, С.А.Полиевский, И.И.Пономарев, В.Н.Хачатуровларнинг дарсликлари, ўқув-методик қўлланмалари, мақолаларида тақдим этилган. Умумий ўрта таълим мактаб таълимига бағишланган ўқув-методик адабиётларнинг муаллифлари И.П.Залетаев, М.А. Кондратюк, В.И.Лях, А.Г.Макеева, Ю.А.Янсонлар ўқувчиларни жисмоний тарбиялаш масалалари билан шуғулланганлар.

Спорт ва жисмоний тарбия воситасида ўқувчи ҳамда талаба-ёшларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш масалалари Ф.Қ.Аҳмедов, Ғ.М.Салимов, Я.Ч.Даниева, М.А.Аслонова, К.К.Жабборовларнинг тадқиқот ишларида акс этган.

Жисмоний тарбия орқали ўқувчи ва талаба-ёшларни ахлоқий тарбиялаш масалалари Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимлари Ю.И.Евсеев, В.С.Кукушкин, С.Д.Лаптенко, Б.Т.Лихачевлар томонидан тадқиқ этилган.

Таълим олувчиларни спорт воситасида ахлоқий-эстетик камол топтиришнинг ўзига хос жиҳатлари хорижлик олимлар Lenk Hans, D.Szegner Heneriette, A.E.Volkwein-Caplan Karinлар томонидан ўрганилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Бухоро муҳандислик-технология институтининг АИФ 2/20 – “Шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш сифатини таъминлаш (2019-2021 йй)” лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Талабаларни спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш воситасида ахлоқий-эстетик тарбиялашнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини аниқлаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш воситасида талабаларни ахлоқий-эстетик тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён мазмунини назарий методологик жиҳатдан асослаш;

миллий спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказишда талабаларни ахлоқий-эстетик тарбиялашнинг шакл ва методларини назарий-эмпирик жиҳатдан изоҳлаш;

спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказишнинг педагогик тамойиллари ахлоқий-эстетик тарбия билан интенсив алоқадорлигини ҳамда узлуксизлигини аниқлаш;

талабаларни ахлоқий-эстетик тарбиялашда спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказишнинг педагогик имкониятларини ривожлантиришга йўналтирилган замонавий технологияларни белгилаш ҳамда илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объектисифатида** талабаларда спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш воситасида ахлоқий-эстетик тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараёни белгиланиб, Бухоро, Андижон, Самарқанд давлат университетларидан жами 458 нафар талаба жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети** спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш воситасида ахлоқий-эстетик тарбиялашнинг педагогик мазмуни, шакл, метод ва воситаларидир.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, аналитик обзор, далилларни асослаш, таққослаш, анкета, савол-жавоб, суҳбат, педагогик эксперимент, математик-статистик қайта ишлаш ва таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказишда талабаларни ахлоқий-эстетик тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён мазмунини мотивацион-эмоционал, мазмунли, фаолиятли каби босқичлари билан жисмоний маданиятнинг соғломлаштирувчи, ривожлантирувчи, тарбияловчи компонентлари узвийлигини таъминлаш асосида ривожлантирилган;

“Универсиада”, “Балли, қизлар”, “Балли, йигитлар”, “Алпомиш авлодлари”, “Барчиной издошлари” миллий спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказишда талабаларни ахлоқий-эстетик тарбиялашнинг оммавий, жамоавий, гуруҳий шакллари ва мунозара, драмафон, ишбоп ўйин, кичик гуруҳларда ишлаш, ўз ўрнини топ, ўйин портфолиоси каби интерактив методларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказишнинг субъективлик, индивидуаллик, идентификация (ўхшашлик), рефлексивлик сингари педагогик тамойиллари билан ахлоқий-эстетик тарбиянинг ички ўзаро алоқадорлиги мавжудлиги аниқлаштирилган;

спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказишда талабаларни ахлоқий-эстетик тарбиялашнинг мақсадга йўналтирилганлиги, эҳтиёжларнинг англанданлиги, ижтимоий вазифаларни бажаришга тайёрлик, онгли интизом, ўз-ўзини тарбиялаш каби ижтимоий-педагогик тамойиллари ҳамда ҳамкорлик, лойихавий, кейс-стади, муаммоли, мужассамлашган технологияларни қўллаш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

талабаларни спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш воситасида ахлоқий-эстетик тарбиялашга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

олий таълим тизимида миллий спорт байрамлари ёрдамида талабаларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш параметрларини кенгайтириш имкониятлари очиб берилган;



спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш воситасида талабаларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш параметрларини кенгайтиришдаги ўзига хос педагогик хусусиятлар аниқ далиллар ёрдамида асосланган;

спорт ва жисмоний тарбиянинг шахсни ахлоқий-эстетик тарбиялашдаги имкониятлари ва олий таълим тизимидаги спортни оммалаштириш бўйича илмий тавсиялари “Спорт байрамларини ташкил этиш” ҳамда “Жисмоний тарбия” фанларининг ўқув адабиётлари мазмунига сингдирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усуллар, тадқиқот мақсади, объекти, предмети, вазифаларига мос келувчи методлар мажмуасидан фойдаланилганлиги, тажриба-синовга жалб этилган олий таълим муассасалари сони талаб даражасида эканлиги, тажриба-синов натижалари статистик маълумотларга таянилганлиги ва олинган натижалар математик статистик жиҳатдан қайта ишланганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти талабаларни спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш воситасида ахлоқий-эстетик тарбиялашдаги имкониятлари билан белгиланади. Мазкур имкониятларни таъминлаш воситалари, йўллари, шакллари, талабаларни спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш воситасида ахлоқий-эстетик тарбиялаш механизми, мазкур мусобақаларни такомиллаштиришга қўйиладиган талаблар ва бу талабларни амалиётга татбиқ этиш имкониятлари ҳақидаги назарий ёндашувларга эга бўлганлиги, спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказишнинг қўламини кенгайтириш ва сифатини таъминлаш механизмларининг амал қилиш йўллари амалиётга тақдим қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти узлуксиз таълим тизимида талабаларни спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш воситасида ахлоқий-эстетик тарбиялаш билан шуғулланадиган мутахассислар, мураббийлар фаолиятида фойдаланилганлиги, дастурлар, семинар машғулотлари, тренинглари ва маърузаларнинг олий таълим тизими амалиётига татбиқ этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олий таълим тизимида талабаларни спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш воситасида ахлоқий-эстетик тарбиялаш юзасидан ишлаб чиқилган назарий-методологик ҳамда амалий тавсиялар асосида:

олий таълим тизимида талабаларни спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш воситасида ахлоқий-эстетик тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён мазмунини такомиллаштиришга оид таклифлар “Қасбий таълим методларини танлаш ва қўллаш” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 18.08.2021 йилги 356-сонли буйруғининг 7-иловаси). Натижада спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёни, ахлоқий-эстетик тарбиялашнинг механизмлари (ишчанлиги, чидамлилиги, ватанпарварлиги, фидойилиги, толерантлиги, рақибини ҳурмат қилиши, гўзалликни ҳис эта олиши, фуқаролик позициясининг мустаҳкамлиги) назарий методологик, педагогик-психологик жиҳатдан такомиллаштирилган;

олий таълим тизимида талабаларни спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш воситасида ахлоқий-эстетик тарбиялаш параметрларини кенгайтиришга оид таклифлардан Бухоро давлат университети профессори, психология фанлари доктори Ш.Р.Баротов раҳбарлигида Давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилиши 2017-2020 йилларга мўлжалланган ОТ-Ф1-002 рақамли “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2021 йил 28 июлдаги 04-04/01-456 - сон маълумотномаси). Натижада олий таълим тизимида талабаларни спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш воситасида ахлоқий-эстетик тарбиялаш технологиялари асосида фандастурларининг таркиби, мазмуни инновацион педагогик, тизимли, интегратив, рефлексив ёндашувлар ҳамда узвийлик ва узлуксизлик принципига таянган ҳолда такомиллаштирилган;

спорт ва жисмоний тарбиянинг шахсни ахлоқий-эстетик тарбиялашдаги имкониятлари ва олий таълим тизимидаги спортни оммалаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий тавсиялари асосида “Спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш ва ҳакамлик қилиш” ҳамда “Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси” ўқув модуллари бўйича услубий таъминот ишлаб чиқилган ва амалга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 8 июлдаги 03-17-02/3756-сонли маълумотномаси). Натижада спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш йўллари, имкониятларидан амалиётда фойдаланиш механизмлари илғор халқаро ҳамда маҳаллий тажрибаларни ўзаро интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

спорт ва жисмоний тарбиянинг шахсни ахлоқий-эстетик тарбиялашдаги имкониятлари ва олий таълим тизимидаги спортни оммалаштириш бўйича илмий тавсиялар ва таклифлардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Ўзбекистон”, “Менга сўз беринг”, “Спорт менинг тақдиримда” каби кўрсатувларида унумли фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 10 августдаги 1/210-сонли маълумотномаси). Натижада спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш воситасида талаба-ёшларни ахлоқий-эстетик тарбиялашда ташвиқот-тарғибот ишларини ривожлантиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияси асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 124 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Талабаларни спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш воситасида ахлоқий-эстетик тарбиялашнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бўлажак мутахассисларни спорт байрамлари воситасида ахлоқий-эстетик тарбиялашнинг моҳияти, вазифалари ва амалиётдаги ҳолати баён қилинган.

Жамиятда миллий мафқуранинг шаклланаётганлиги, ёш авлоднинг умуминсоний қадриятлар ва энг яхши анъаналар асосида тарбия топаётганлиги, уларнинг жаҳон маданияти ва илм-фанига кўшган ҳиссалари ҳақидаги билимлари кенгаяётганлиги – эътирофли жиҳат. Бундай шахсий сифатлар, баркамолликнинг мазмун-моҳияти кенг, чуқур ҳамда кўп қиррали бўлиб, ўзида инсоний фазилатларнинг кўп жиҳатларини қамраб олади. Шулар ичида энг асосий ўринни шахснинг ахлоқий-эстетик тарбияси муаммоси эгаллайди. Чунки ахлоқий-эстетик тарбия – бу умуминсоний ғоялар, қадриятлар, билимларни эгаллаш, идеаллар (ижтимоий, ахлоқий, эстетик) нинг таркиб топиши, Ватанга, жамиятга, миллатга, урф-одатларга, тарихга ва тилга ижтимоий муносабат шаклланишидир. Ахлоқий-эстетик тарбиянинг моҳияти ва аҳамияти жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ва иқтисодий тараққиётига, ёшлар камолотига кўрсатаётган таъсир доирасига қараб белгиланади.

Ахлоқ маънавиятнинг таркибий қисми сифатида шахс камолотининг юқори босқичи саналади. Зеро, ахлоқ, ахлоқий меъёрларсиз шахс руҳий ва жисмонан етуклигининг мезони бўлган маънавий камолотга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ахлоқий-эстетик тарбияда узвийлик, алоқадорлик диалектик характерга эга бўлиб, шахснинг ахлоқий-эстетик шаклланишида муҳим саналади.

Эстетика гўзаллик ва эзгуликнинг уйғунлигини ифодалайди. Эстетик дид – воқеа-ҳодисаларнинг эстетик сифатларини идрок этиш ва баҳолаш жараёнидан қониқиш ёки қониқмаслик туйғусидир. Эстетик дид инсоннинг фикр-мулоҳазаларида, моддий ва маънавий ижоди маҳсулида ўз ифодасини топади.

Биламизки, ҳар қандай муносабат, амал, иш-ҳаракат гўзаллик нуқтаи назаридан идрок қилинади ва баҳоланади. Айтиш мумкинки, эстетик ривожланиш инсонни ахлоқий фаолиятга тайёрлайди. Шу жиҳатдан ҳамма вақт ахлоқ мазмунида гўзаллик элементлари мужассамлашади. Шунга кўра гўзаллик ахлоқийликнинг тўлдирувчиси дейиш мумкин. Кўриб турибмизки, ахлоқ ва эстетика мазмунан ҳамда моҳиятан бир-бири билан чамбарчас

боғланган. Ахлоқий ва эстетик тарбия бир-бирини тўлдирганлиги боис ахлоқий-эстетик тарбия деб юритилади. Тарбия эса бу, ўз навбатида, баркамол авлодни шакллантирадиган ижтимоий ҳодисадир. Шахснинг ахлоқий-эстетик тасаввурлари ҳам мана шу тарбия туфайли ҳосил қилинади.

Шундай қилиб, ахлоқий-эстетик тарбия – ватан, жамият, миллат, меҳнат, шахсий ҳаёт, урф-одат, тарих, воқелик, келажакка ахлоқ меъёрлари, қоидалари ва гўзаллик қонуниятлари асосида муносабатда бўлишда намоён бўладиган педагогик ҳодисадир. Зеро ахлоқий-эстетик тарбия мазмунида инсоний ҳис-туйғулар, ахлоқий-эстетик билим ва эътиқодлар, бурч, масъулият, табиат, жамият, шахсий ҳаёт, меҳнатдаги гўзалликларни идрок қилиш ва шу гўзалликлар асосида бутун фаолиятни ташкил қилиш хусусиятлари ётади. Шунинг учун ҳам бўлажак мутахассисларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш муҳим педагогик муаммо ҳисобланади. Шундай экан, ахлоқий-эстетик тарбияни талаба-ёшларда шакллантириш учун, аввало, ушбу вазифаларнинг мазмун моҳиятини чуқур англаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ахлоқий-эстетик тарбиянинг муҳим вазифалари қуйидагилар:

- талабаларда жамиятнинг ахлоқий-эстетик талабларига онгли муносабатни шакллантириш;
- комил инсонни тарбиялаш;
- миллий-маънавий мерос, ахлоқий-эстетик қадриятларимизга ҳурматда бўлиш;
- юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш;
- миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш.

Ахлоқий-эстетик жиҳатдан соғлом ёшлар фаол ҳаёт тарзига эга бўладилар. Талаба-ёшларнинг муваффақияти, жамиятда ўз ўрнини топиши ҳамда инсонпарварлик, меҳнатсеварлик тамойилларига асосланган ҳолда фаолият кўрсатиши, спорт билан шуғулланиши унинг саломатлигига боғлиқ. Бундай ахлоқий-эстетик юксакликка эришиш имкониятига эга бўлган ҳаёт тарзини вужудга келтиришда аجدодларимиз алоҳида ўрнатилган кўрсатиб келган. Шунинг учун ҳам ўтмишда болалар ёшлиқдан бошлаб поклик, ҳалоллик, тўғрисиўзлик, озодаликка эътибор қаратиш билан бир қаторда спорт байрамларини ташкил этиш асосида кўпқари, камондан ўқ отиш, сакраш, кураш ва чиниқиш машқлари билан мунтазам шуғулланиб келган. Чунки соғлом турмуш тарзига эга бўлган шахсгина ўзининг ахлоқий-эстетик, маданий-касбий, интеллектуал қиёфасини шакллантира олади. Шу асосда шахснинг индивидуал-психологик ҳамда ижтимоий-педагогик сифатлари ривожланиб, унинг саломатлиги мустаҳкамланади.


Жисмоний тарбия жараёнида ахлоқий-эстетик тарбиянинг ҳам алоҳида вазифалари ҳал қилинади ва йўлга қўйилади:

1. Муомала эстетикасини тарбиялаш. Гимнастика, спорт, ҳаракатли ўйинлар, туризм, юқорида баён этилганидек, инсоннинг барча хусусий томонларини намоён қилади. Спортчиларнинг юриш-туриши спортдаги ҳаёт жараёни ва ундан ташқарида ҳавас қилгудекдир. Чунки унинг асосида шарқ халқлари ахлоқ меъёрлари ётади.

2. Инсон гавдасининг кўриниши, қомати таъминланади. Жисмонан гармоник ривожланган одам гавдасининг чиройлилиги соғлигининг, ҳаётӣ қобилиятларининг яхшилиги белгисидир.

3. Жисмоний маданият – гўзалликни қабул қила билиш қобилияти, спорт техникаси, ҳаракатлар нафислиги ифодасида яширин гўзалликни ҳис қила олишни тарбиялашдир.

Олий таълим муассасаларининг жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларини спорт байрамлари воситасида ахлоқий-эстетик тарбиялаш жараёни фаолият йўналишлари белгиланди:



**1-расм. Талабаларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш жараёни фаолият йўналишлари**

Ахлоқий-эстетик тарбия ўз принципларига ҳам эга. Ушбу принциплар талабаларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш жараёнини ривожлантириш учун асос бўлади. Ушбу жараёнда уларга риоя қилиб, фаолият ташкил этилса, у натижали ҳамда самарали бўлишини тажриба кўрсатмоқда. Ахлоқий-эстетик тарбия принциплари қуйидагилардан иборат:

1. Ахлоқий-эстетик тарбиянинг бир мақсадга қаратилганлиги ва ижтимоий йўналганлиги принципи.

2. Ахлоқий-эстетик тарбиянинг ижтимоий ҳаёт ва меҳнат билан боғлиқлиги принципи.

3. Ахлоқий-эстетик тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш принципи.

4. Ахлоқий-эстетик тарбия жараёнини ривожлантиришга яхлит (бутунлик) ёндашиш принципи.

5. Талабаларни ахлоқий-эстетик тарбиялашда миллий ва умуминсоний қадриятларга таяниш принципи.

6. Ахлоқий-эстетик тарбиянинг шахсга йўналганлик принципи.

Шундай қилиб, ахлоқий-эстетик тарбиялаш жараёнини ривожлантириш мақсадида таҳлил этилган принципларга асосланиб педагогик фаолиятни ташкил этиш демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти аъзолари учун хос бўлган талабаларни ахлоқий-эстетик тарбиялашда дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг “Талабаларни спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш воситасида ахлоқий-эстетик тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари” номли иккинчи бобида талабаларни ахлоқий-эстетик тарбиялашнинг мазмуни, талабаларни аудиториядан ташқари маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш асосида ахлоқий-эстетик тарбиялаш технологиялари ва мазмуни ёритиб берилган.

Жисмоний тарбия технологиясининг асосий элементи – ижтимоий ролларни муваффақиятли бажариш, шахсан муҳим мақсадларга эришишда зарур бўлган сифатларни шакллантириш ва ривожлантириш учун жисмоний маданият, спорт ва жамоалар билан шуғулланувчиларга бир хил педагогик таъсир кўрсатишнинг муайян усуллари дидир.

Талабаларни спорт байрамлари воситасида ахлоқий-эстетик тарбиялашда фаолият самарадорлигига қуйидагича эришилади:

- яхлит педагогик фаолият – таълим-тарбия жараёнини қонуниятлар, илмий тавсия ва реал эҳтиёжлар талабларига мувофиқ ташкил этиш;

- таълим-тарбиянинг ижтимоий қадриятли мақсад ва мазмунга йўналтирилганлигига эришиш, уни оптимал ташкил этиш;

- жисмоний машқлар ва спорт жараёнида ижобий мотивацияни таъминлаш, ҳар бир талабанинг муҳим салоҳиятини очиб бериш ҳамда ундан фойдаланиш;

- спорт иштирокчиси (жамоаси)нинг бирлашувига эришиш;

- юқори касбий, ижодий даражадаги вазифаларни бажаришга шахсий муносабат;

- таълим-тарбия жараёнини ҳар томонлама таъминлаш.

Талабаларда спорт байрамлари воситасида қуйидаги ишбилармонлик сифатлари: мамлакатимизда таълимнинг мафкуравий асосларини тушуниш, ўз соҳасини билиши, ҳаракатларни ўргатиш ва жисмоний сифатларни ривожлантириш, талабалар жамоасини ташкил этиш ва талабаларга муҳим ёндашувни топиш қобилияти, таълим жараёнининг натижаларини кузатиш ва ҳисобга олиш, уларни тарбиялаш, маданиятли бўлиш кабилар шаклланади.

Талабаларни спорт байрамлари воситасида ахлоқий-эстетик тарбиялаш жараёнида қуйидаги асосий шахсий сифатлар: ижодий фаолият, ақлнинг мослашувчанлиги, меҳнасеварлик, ҳалоллик, фидоийлик, тўғрилиқ, гўзалликни ҳис этиш, чидамлилиқ, талабчанлик, камтарлик, маданиятлилик кабилар шакллантирилади.

Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш дунё ҳамжамияти ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бу соҳада эришилган ютуқлар мамлакатни дунёга танитади, барча юртдошларга ғурур-ифтихор бағишлайди. Таъкидлаш жоизки, жаҳонда болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантиришда иқтидорли болаларни спортга жалб қилиш, уларнинг спорт маҳоратини тарбиялаш, жисмоний тайёргарлигини оширишда қўлланиладиган восита ва услубларни амалиётга татбиқ этиш, ўқув машғулотларини педагогик технологиялар асосида ташкил қилиш юзасидан кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Манбаларда таъкидланишича, аждодларимиз узоқ ўтмишда ҳам жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиб келишган. “Алпомиш”,




“Барчиной”, “Қирққиз”, “Тўмарис” эпосларида тасвирланишича, ўша даврда аёллар жисмоний тарбияга нафақат қизиқишган, балки эркаклар билан тенгма-тенг мусобақалашган. Кези келганда елкама-елка туриб душманларга қарши жангга кириб, ўз ватанини ҳимоя қилган. Барчиной, Қалдирғоч, Гулойим ва Қирқ гўзал тимсоллари Шарқ аёлларининг жисмоний камолоти ва беназир лаёқати борлигидан дарак беради. Албатта, жисмонан кучли инсон руҳан, ахлоқий ва эстетик жиҳатдан ҳам соғлом бўлади.

Спорт байрамлари ўқув йили давомида тарихий саналарга боғланган ҳолда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, “Хотин-қизлар куни”, “Наврўз” байрами, “Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни”, “Конституция куни”, “Жисмоний тарбия ва спорт куни”, “Саломатлик куни”га ва ҳ.к. бағишланган спорт байрамларини ўтказиш мумкин. Бу эса ўқув йили давомида байрамларни тўғри режалаштириш таълим муассасасида жисмоний тарбия ва спорт масалаларини доимий яхши йўлга қўйишга имконият яратади.

Анъанавий байрам тусини олаётган хилма-хил оммавий, маданий ва спорт тадбирлари ҳам кўпаймоқда. Уларнинг таркибида эътиборга молик бўлган турлардан бири халқ миллий ўйинларига бағишланган республика фестивалларидир. Улар, асосан, “Алпомиш ўйинлари”, “Тўмарис ўйинлари” каби тадбирлар сифатида ташкил этиб келинмоқда.

Спорт байрамларида талабалар чакқонлик, тезкорлик, топағонлик, иродалилиқ ва бошқа қизиқарли ўйинлар беллашувларида уларнинг меҳнатсевар, масъулиятли, билимдон бўлишлари билан биргаликда уларда ахлоқий-эстетик фазилатлар ҳам ривожланади. Уларда ўзаро ҳурмат, дўстлик, бир-бирига ёрдам бериш, ҳалоллик, тўғрилиқ, камтарлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ўзгалар меҳнатини қадрлаш, гўзалликдан завқланиш, ўз ҳаётларини гўзаллик тамойиллари асосида куриш каби сифатлар таркиб топади. Ахлоқий-эстетик тарбия талабада ахлоқ-одоб, билим, тафаккур, эътиқод, илмий, диний, гўзаллик тўғрисидаги ва мафкуравий қарашлар, идеалларни, иймон-иродасини халқ, миллат, жамият, ватан манфаати, тараққиёти, истиқболи билан боғлай олиш кўникмаларини шакллантиради. Юқоридаги фикрларга асосланиб, талабаларни спорт байрамлари воситасида ахлоқий-эстетик тарбиялашнинг модели ишлаб чиқилди (2-расм).

Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳар бир спорт йўналиши орқали мардлик, бағрикенглик, рақибига нисбатан олийжаноблик, ҳалоллик, ор-номус, ғурур каби туйғуларни спортчи ўзининг индивидуал психологик хусусиятларига сингдириши, рақибни инсон сифатида ҳурмат қилиш, майдонда мардларча ҳалол кураша билиш, она Ватанини, эл-юрт шаънини ҳимоя қилиш каби анъана ва қадриятларни ўз эътиқодига айлантириши керак. Бу ёш спортчиларни мустақил дунёқараши ва эркин тафаккури шаклланган, ўз билими ва кучига ишонадиган, иродаси бақувват, иймон-эътиқоди бутун, муқаддас қадриятларимизни асраб-авайлайдиган, ватанпарварлик туйғуси камол топганкомил инсон бўлиб тарбияланишига хизмат қилади.



**2-расм -Талабаларни спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш воситасида ахлоқий-эстетик тарбиялаш модели**

Диссертациянинг “Талабаларни спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш воситасида ахлоқий-эстетик тарбиялаш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси” номли учинчи бобида тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.

Тадқиқот ишида спорт байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш воситасида ахлоқий-эстетик тарбиялаш муаммосининг амалиётдаги мавжуд ҳолатини ўрганиш, олинган далилларни таҳлил этиш, муайян хулосаларга келиш ва шу асосда муаммонинг умумий ҳолатига баҳо беришга йўналтирилган илмий-амалий фаолиятни амалга ошириш муҳим ўрин тутди.

Тажриба-синов ишларини ташкил этиш жараёнида ана шу ёндашув асосида амалий ҳаракатни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ва тажриба-синов майдончаларида амалга оширилувчи дастлабки амалий иш, истиқболдаги ҳаракатларнинг муҳим қисми сифатида намоён бўлишини назарда тутган ҳолда уни самарали ташкил этишга ҳаракат қилинди. Қуйида асословчи тажриба-синов ишлари ҳамда ушбу тажриба-синов иши учун назарий асос бўлган тажриба-синов дастурининг моҳиятига тўхталиб ўтамиз.

Асословчи тажриба-синов ишининг самарасини кафолатлайдиган дастур қуйидагича бўлди:

1. Ташкилий-тайёргарлик босқичи. Ушбу босқичда асословчи тажриба-синов ишларининг ўтказилишини белгилаб берадиган вазифалар келишиб олинди:

а) тажриба-синов ишларини йўлга қўйиш ва тадқиқот мақсадини амалга ошириш учун тажриба-синов майдончалари танланди;

б) олий таълим муассасаларининг раҳбарияти ва уларнинг ташкил этилиши учун масъул бўлган шахсларнинг розилиги асосида тажриба-синов жараёнининг умумий даври ва босқичлари расмийлаштирилди;

в) тажриба-синов ишларининг амалга оширилишида асосий субъект сифатида намоён бўлувчи респондент-талабаларнинг сони аниқланди, респондентлар тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди.

2. Тажриба-синов ишларини бевосита ташкил этиш жараёни аниқлаштирилиб, мазкур жараёнда қуйидаги вазифалар бажарилиши белгилаб олинди:

а) дастлабки тажриба-синов ишлари учун асос бўладиган “Спорт байрамларини ташкил этиш” фанидан ўқув услубий мажмуа ҳамда амалий машғулотларни бажариш бўйича ишланмалар, тарқатма материаллар тайёрланди ва уларнинг мазмуни тадқиқот иши бажарилаётган Бухоро давлат университети “Жисмоний маданият назарияси ва услубиёти” кафедрасининг йиғилишида муҳокамадан ўтказилди, муҳокама жараёнида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида ишланмалар мазмунан тўлдирилди ва бойитилди;

б) талабалар иштирокида учрашув ташкил этилиб, ушбу жараёнда амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларнинг моҳияти, тажриба-синов ишларининг олиб борилишидан кўзланган мақсад, кутилаётган натижалар борасида тушунчалар берилди;

